

ҚИШЛОҚ, ҶРМОН ВА БАЛИҚ ХЎЖАЛИГИ

2019 йилнинг январь-мартда ишлаб чиқарилган (кўрсатилган хизматлар) умумий ҳажми 1601,1 млрд. сўмни ёки 2018 йилнинг шу даврига нисбатан 103,8 фоизни, шу жумладан, деҳқончилик ва чорвачилик, овчилик ва бу соҳаларда кўрсатилган хизматлар ҳажми 1439,7 млрд. сўмни (104,1 фоиз), ўрмончилик хўжаликларида 139,7 млрд. сўмни (101,1 фоиз), балиқчилик хўжаликларида 17,7 млрд. сўмни (165,6 фоиз) ташкил қилди.


Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулотлари (хизматлар)нинг ҳажми (2019 йилнинг январь-мартда)

	Млрд. сўм	ўсиш сурағти %
Вилоят бўйича:	1601,1	103,8
<i>шаҳарлар:</i>		
Андижон	111,8	105,4
Ҳонобод	18,0	101,1
<i>туманлар:</i>		
Андижон	118,3	102,4
Асака	157,8	101,8
Балиқчи	103,3	104,4
Бўз	43,5	101,1
Булоқбоши	110,5	103,3
Жалакудук	119,6	103,9
Избоскан	115,0	103,1
Улуғнор	48,0	117,9
Мархамат	126,1	106,2
Олтинқўл	94,9	102,7
Пахтаобод	98,2	107,0
Хўжаобод	66,5	105,9
Шаҳрихон	153,4	100,1
Қўрғонтепа	116,3	102,4

Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг таркибий тузилишида энг юқори улуш деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжалиқларига тўғри келади (умумий ҳажмга нисбатан 87,0 фоиз), фермер хўжалиқларида (умумий ҳажмга нисбатан 10,3 фоиз), қишлоқ хўжалигини амалга оширувчи ташкилотларда эса (умумий ҳажмга нисбатан 2,7 фоиз).

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг хўжалиқлар тоифалари бўйича тақсимланиши
(умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)

- Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжалиқлари
- Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар
- Фермер хўжалиқлари



ДЕҲҚОНЧИЛИК

2019 йилнинг январь-мартида ишлаб чиқарилган деҳқончилик маҳсулотларининг ҳажми 82,7 млрд. сўмни ёки 2018 йилнинг шу даврига нисбатан 100,2 фоизни ташкил қилди. Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий ҳажмида деҳқончилик маҳсулотларининг улуши 51,4 фоизни ташкил қилди.

Ҳосилни йиғиб олиш. 2019 йил январь-март ойларида барча тоифадаги хўжалиқлар томонидан жами сабзавот 3294 тонна (100,8 фоизга), мева 65 тонна (125,0 фоизга) етиштирилди.


Хўжалик тоифалари бўйича асосий турдаги деҳқончилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш

(2019 йилнинг январь-март ойларида)

	Фермер хўжаликлари		Деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари		Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	
	тонна	ўсиш суръати, фоизда	тонна	ўсиш суръати, фоизда	тонна	ўсиш суръати, фоизда
Сабзавотлар	345	103,0	2682	101,0	267	96,7

Худудлар кесимида асосий турдаги деҳқончилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш

(2019 йилнинг январь-март ойларида)



ЧОРВАЧИЛИК



Келгусида чорвачилик соҳасининг имкониятларини оширишга қаратилган чора-тадбирларнинг изчиллик билан амалга оширилиши ҳамда давлат томонидан кўрсатилаётган тизимли қўллаб-қувватлашлар натижасида қорамоллар бош сонининг ўсишига, ички истеъмол бозорларининг чорвачилик маҳсулотлари билан тўйинишига имкон яратди.

2019 йилнинг январь-март ойларида чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 1356,9 млрд. сўми ёки 2018 йилнинг шу даврига нисбатан 104,3 фоизни ташкил қилди. Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий ҳажмида чорвачилик маҳсулотларининг улуши 84,7 фозни ташкил этди.

2019 йилнинг 1 апрель ҳолатига йирик шохли қорамоллар бош сони 1036,8 минг бошга (100,9 фоизни), шу жумладан сигирлар 356,9 минг бошга (105,1 фоизни), қўй ва эчкилар 1424,9 минг бошга (104,9 фоизни), паррандалар 7205,0 минг бошга (106,9 фоизни) ташкил қилди.


Хўжалик тоифалари бўйича чорва моллари ва паррандалар бош сони (2019 йил 1 апрель ҳолатига)

	Фермер хўжаликлари		Деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари		Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	
	минг бош	ўсиш суръати, фоизда	минг бош	ўсиш суръати, фоизда	минг бош	ўсиш суръати, фоизда
Йирик шохли қорамоллар	43,6	108,7	986,1	100,7	7,1	89,9
шу жумладан: сигирлар	16,9	111,3	337,6	105,0	2,4	90,2
Қўйлар ва эчкилар	64,1	121,8	1352,6	104,1	8,2	139,4
Паррандалар	833,0	111,6	5404,0	103,2	968,0	128,0


Умумий бош сонга нисбатан деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларида йирик шохли қорамолларнинг улуши – 95,1 фоизни, фермер хўжаликларида – 4,2 фоизни, қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларида – 0,7 фоизни, ташкил этди, сигирлар мос равишда – 94,6 ва – 4,7 ҳамда – 0,7 фоизни, қўйлар ва эчкилар – 94,9 ва – 4,5 ҳамда – 0,6 фоизни, паррандалар – 75,0 ва – 11,6 ҳамда – 13,4 фоизни ташкил қилди.

Худудлар кесимида чорва моллари ва паррандалар бош сони (2019 йил 1 апрель ҳолатига)


Йирик шохли қорамоллар (минг бош)




шу жумладан сигирлар (минг бош)



Қўйлар ва эчкилар (минг бош)



Паррандалар (минг бош)





2019 йилнинг январь-март ойларида барча тоифадаги хўжаликларда тирик вазнда 38,0 минг тонна гўшт (2018 йилнинг шу даврига нисбатан 104,9 фоиз), 95,6 минг тонна сут (103,0 фоиз), 48,2 млн. дона тухум (107,8 фоиз), ишлаб чиқарилди.

Хўжалик тоифалари бўйича асосий турдаги чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш


(2019 йилнинг январь-март ойларида)

	Фермер хўжаликлари		Деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари		Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташилотлар	
	миқдори	ўсиш суръати, фоизда	миқдори	ўсиш суръати, фоизда	миқдори	ўсиш суръати, фоизда
Гўшт, тирик вазнда, минг тонна	1295	144,5	36441	104,0	297	89,7
Сут, минг тонна	5269	117,9	89384	102,2	986	107,2
Тухум, млн. дона	10,9	120,0	27,6	102,9	9,8	110,0

**Худудлар кесимида асосий турдаги чорвачилик махсулотларини
ишлаб чиқариш**
(2019 йилнинг январь-март ойларида)




Тухум (млн. дона)



Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш таркиби
(ишлаб чиқариш умумий ҳажмига нисбатан фоиз ҳисобида)
(2019 йил январь-март ойларида)

■ Гўшт (тирик вазн) ■ Сут ■ Тухум



Фермер хўжаликлари. 2019 йилнинг январь-мартида фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 165,3 млрд. сўмни ташкил қилди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари умумий ҳажмида фермер хўжаликларининг улуши 10,3 фоизни ташкил этди.

2019 йилнинг 1 апрель ҳолатига фермер хўжаликларида 43,6 минг бош йирик шохли қорамол, шу жумладан 16,9 минг бош сигир, 64,1 минг бош қўй ва эчкилар, 833,0 минг бош паррандалар мавжуд.

**Фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган асосий турдаги қишлоқ
хўжалик маҳсулотлари
(2019 йил январь-март ҳолатига)**

	2018 йил январь-март		2019 йил январь-март		2018 йил январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида
	тонна	ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, фоиз	тонна	ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, фоиз	
Сабзавот	335	10,3	345	10,5	103,0
Гўшт, тирик вазнда	896	2,5	1295	3,4	144,5
Сут	4468	4,8	5269	5,5	117,9
Тухум, млн. дона	9,1	20,2	10,9	22,5	120,0